3.45 «Большой спорт. Цена победы». Документальный фильм

РОССИЯ

4:50 Борис Сичкин, Дмитрий Орловский, Сергей Юртайкин и Аркадий Толбузин в фильме «Тропой бескорыстной любви». 1971г.
6:15 «Здоровье».
6:35 «Сельский час».
7:00 ВЕСТИ.
7:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
7:20 Евгений Леонов, Людмила Шагалова, Сергей Филиппов, Алексей Смирнов и Аркадий Трусов в комедии «Не имей 100 рублей». 1959г.
9:10 «Комната смеха».
10:00 ВЕСТИ.
10:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
10:20 ПРЕМЬЕРА. Екатерина Архарова, Алла Каравацкая и Сергей Юшкевич в сериале «Частный детектив».
11:15 Георгий Тараторкин, Иннокентий Смоктуновский, Ефим Копелян, Виктория Федорова и Майя Булгакова в экранизации романа Ф.М. Достоевского «Преступление и наказание». 1969г. 2-я серия.
13:00 ВЕСТИ.
13:20 «Фитиль №97». Сатирический тележурнал.
14:10 Юбилей Семена Альтова с участием Юрия Гальцева, Ефима Шифрина, Яна Арлазорова и многих других.
16:05 КО ДНЮ ВОЕННО-МОРСКОГО ФЛОТА. ПРЕМЬЕРА. «Война за океан. Подводники».
17:05 Эдди Мерфи в комедийном боевике Тони Скотта «Полицейский из Беверли-Хиллз 2» (США), 1987г.
19:00 ВЕСТИ.
19:20 «Специальный корреспондент».
19:45 Праздничный концерт, посвященный Дню военно-морского флота. Прямая трансляция из Севастополя.
21:45 Международный конкурс молодых исполнителей «Новая волна - 2006». Прямая трансляция из Юрмалы.
0:30 Деннис Куэйд в острожетном фильме «Челюсти-3» (США), 1983г.
2:35 СЕРИАЛ ДЛЯ ПОЛНОЧНИКОВ. Телесериал «Гора» (США).
3:20 Канал «Евроњос» на русском языке.

ТВ-3

7.30 Жизнь, полная радости.
8.00 Русские мультфильмы.
8.30 Русские мультфильмы.
8.45 Русские мультфильмы.
9.30 Русские мультфильмы.
9.45 Русские мультфильмы.
10.00 Художественный фильм «СВИДАНИЕ С ДОЧЕРЬЮ ПРЕЗИДЕНТА». США, 1998.
12.00 Художественный фильм «ЧЕЛОВЕК РОДИЛСЯ». Россия, 1969.
14.00 «Осторожно, модерн!» 60-я серия.
14.30 Курьер.
15.00 Художественный фильм «ПАТРУЛЬ ВРЕМЕНИ». США, 1994.
17.00 Художественный фильм «ПОКРОВИТЕЛЬ». США, 1985.
19.00 Сериал «ГОРЕЦ-4». 7-я серия.
20.00 Художественный фильм «РАЗМАХ КРЫЛЬЕВ». Россия, 1986.
22.00 Художественный фильм «ОТЯГД «ДЕЛЬТА». США, 1986.
0.30 Художественный фильм «ХРАНИТЕЛЬ ДУШ». США, 2001.
2.00 Художественный фильм «ПТЕРОДАКТИЛЬ». США, 2005.
4.00 Сериал «ГОРЕЦ-4». 7-я серия.
4.45 Художественный фильм «УГОНИЩИКИ». США, 1999.

СТС

7.00 «КОМПЬЮТЕР В КРОССОВКАХ». Художественный фильм.
8.30 «Храбрый Пак». Мультипликационный фильм.
8.55 «Пинокио». Многосерийный мультипликационный фильм.
9.20 «Смешарики». Многосерийный мультипликационный фильм.
9.30 «Флиппер и Лопак». Многосерийный мультипликационный фильм.
10.30 «Гаджет и гаджетницы». Многосерийный мультипликационный фильм.
11.00 Кино на СТС. «ПРИКЛЮЧЕНИЯ ГЕКЛЬБЕРРИ ФИНА».
13.00 «Жизнь прекрасна». Музыкальное ток-шоу. Ведущие - Лена Перова и Михаил Шведко.
15.00 «Снимите это немедленно». Развлекательная программа с элементами реалити-шоу. Ведущие - Саша Вертинская и Таша Строгая.
16.00 Фильмы производства ВВС. «Мифы и герои. Царица Савская».
17.00 Истории в деталях.
17.30 Комедия на СТС. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
18.00 «ДАША ВАСИЛЬЕВА. ЛЮБИТЕЛЬНИЦА ЧАСТНОГО СЫСКА-3». Фильм 9-й. «СПЯТ УСТАЛЫЕ ИГРУШКИ». Двухсерийный художественный фильм.
22.00 Кино на СТС. «ВЗРЫВ ИЗ ПРОШЛОГО».
0.00 Кино на СТС. «КОРАБЕЛЬНЫЕ НОВОСТИ».
2.15 Кино на СТС. «ДОННИ БРАСКО».
4.20 Кино на СТС. «БРАТЬЯ».
6.00 Музыка на СТС.

НТВ

4:15 Фильм «КОНТАКТ» /США/
6:30 Детское утро на НТВ. «СКАЗКИ БАЖЕНОВА»
7:00 «СЕГОДНЯ»
7:15 Сериал «ПОЛИЦЕЙСКИЙ КЭТТС И ЕГО СОБАКА»

30-канал

Душанба 24

16.55 гага профилекта ишлари
17.00 "Телехямор"
17.30 "Муслик табасум"
18.00 "Керашнингиз"
18.20 "Муслик гезатер"
18.40 "Мулло-Тв", тақдим этади "Мозийдан садр"
19.00 "Ошикона"
19.40 "Телехямор"
20.00 "Муслик табасум"
21.00 Сериал "София, дай мне время"
21.45 "Телехямор"
21.55 "Муслик табасум"
22.25 "Кинот-ТВ" тақдим этади "Бенинг замонри"
22.30 Сериал "Кашкирлар макони"

Сешанба 25

12.05 "Телехямор"
12.25 "Детский час"
12.50 Сериал "Солдаты"
13.40 "Муслик табасум"
14.00 Худ. фильм "За бортом"
15.30 "30-в кадр"
16.00 "Детский час"
16.45 "Телехямор"

Пайшанба 27

12.05 Телехямор
12.25 "Детский час"
12.50 Сериал "Солдаты"
13.40 "Муслик табасум"
14.00 Худ. фильм "Короткое замыкание", комедия
15.30 "До-Ми-Соль-шоу"
16.20 "Детский час"
16.45 "Телехямор"
17.00 "Такси хамрох"
17.30 "Муслик табасум"
18.00 "Черепашки-ниндзя"
18.20 "Муҳаббат тароналари"
18.40 "Самарканд-СТВ" тақдим этади "Илдизлар ва япроқлар"
19.00 "Ошикона"
19.40 "Телехямор"
20.00 "Муслик табасум"
21.00 Сериал "София, дай мне время"
21.45 "Муслик табасум"
22.15 "Кинот-ТВ" тақдим этади "Менинг шахрим"
22.20 Сериал "Кашкирлар макони"

Чоршанба 26

12.05 "Телехямор"
12.25 "Детский час"
12.50 Сериал "Солдаты"
13.40 "Муслик табасум"
14.00 Худ. фильм "За бортом"
15.30 "30-в кадр"
16.00 "Детский час"
16.45 "Телехямор"

TV-MARKAZ

Душанба 24

12.00 ПРЕМЬЕРА! (узб.)
12.20 Мировые хиты
13.00 ПРЕМЬЕРА! (рус.)
13.20 Узбек наволари
14.00 "Юлдузли пайшанба" (повтор)
14.40 Узбек наволари
15.00 Теленяня
15.45 Узбек наволари
16.30 Мировые хиты
17.00 "Судьбы"
17.30 Узбек наволари
18.00 ПРЕМЬЕРА! (узб.)
18.20 Узбек наволари
19.00 ПРЕМЬЕРА! (рус.)
19.20 Сериал "Игра на выбывание" 3-серия
20.20 Узбек наволари
21.00 "Миссия невыполнима" (повтор)
21.30 Мировые хиты
22.00 Комедия по понедельникам "Халпи-энд"
23.40 Миксер

Сешанба 25

12.00 Марказ NEWS (узб.)
12.15 Узбек наволари
13.00 Марказ NEWS (рус.)

Пайшанба 27

12.00 Марказ NEWS (узб.)
12.15 Узбек наволари
13.00 Марказ NEWS (рус.)
13.15 Мировые хиты
14.00 Спецрепортаж
14.20 Узбек наволари
15.00 Теленяня
15.45 Мировые хиты
16.00 Узбек наволари
16.30 "Великолепная семёрка"
17.00 Узбек наволари
18.00 Марказ NEWS (узб.)
18.15 Узбек наволари
19.00 Марказ NEWS (рус.)
19.15 Сериал "Игра на выбывание" 6-серия
20.55 Узбек наволари
21.00 "Юлдузли пайшанба"
21.30 ПРЕМЬЕРА! (узб.)
21.50 Узбек наволари
22.00 Наше кино "Нахотки сен"
23.40 Миксер

Чоршанба 26

12.00 Марказ NEWS (узб.)
12.15 Мировые хиты
13.00 Марказ NEWS (рус.)
13.15 Узбек наволари
14.00 ПРЕМЬЕРА! (рус.)
14.20 Узбек наволари
15.00 Теленяня
15.45 Узбек наволари
16.00 "Миссия невыполнима" (повтор)

Жума 28

12.05 "Телехямор"
12.25 "Детский час"
12.50 Сериал "Солдаты"
13.40 "Муслик табасум"
14.00 Теленяня Гүлнәш
15.30 "Ошикона"
16.10 "Детский час"
16.45 "Телехямор"
17.00 "Дж. фильм"
17.30 "Муслик табасум"
18.00 "Керашнингиз"
18.20 "Муслик гезатер"
18.30 "Мироз-ТВ" тақдим этади "Тақдирер"
19.00 "Ошикона"
19.40 "Телехямор"
20.00 "Муслик табасум"
21.00 Сериал "София, дай мне время"
21.45 "Муслик гезатер"
22.15 "Искон-ТВ" тақдим этади "Афсонари энганган"
22.20 Сериал "Кашкирлар макони"

Шанба 29

09.05 "Телехямор"
09.20 "Детский час"
09.45 "Дружелюбный фильм"
10.00 Мультфильмы
12.20 "Ошикона"
13.00 Худ. фильм "Теледигитал"
14.30 "Болер осли"
15.30 "Мироз-ТВ"
16.00 "Дж. фильм"
16.45 "Телехямор"

Жума 28

12.00 Марказ NEWS (узб.)
12.15 Мировые хиты
13.00 Марказ NEWS (рус.)
13.15 Узбек наволари
14.00 "Юлдузли пайшанба" (повтор)
14.30 Узбек наволари
15.00 Теленяня "Правдивая история про Красную шапочку"
16.20 Мировые хиты
16.30 ПРЕМЬЕРА! (рус.)
16.50 Узбек наволари
17.00 "Судьбы" (повтор)
17.30 Узбек наволари
18.00 Марказ NEWS (узб.)
18.15 Узбек наволари
19.00 Марказ NEWS (рус.)
19.15 Сериал "Игра на выбывание" 7-серия
20.15 Мировые хиты
21.00 Узбек наволари
22.00 Кино "Миссия невыполнима"
00.15 Миксер

Шанба 29

12.00 TOTAL NEWS (узб.)
12.20 Узбек наволари
13.00 TOTAL NEWS (рус.)
13.20 Узбек наволари
14.15 Мировые хиты
14.30 ПРЕМЬЕРА! (узб.)
14.50 Узбек наволари

Якшанба 30

09.05 "Телехямор"
09.20 Мультфильмы
10.00 "Сараф кайратли"
10.30 "Ошикона"
10.40 "Телехямор"
11.00 "Мироз-ТВ"
11.30 "Мироз-ТВ"
11.55 Худ. фильм "Икена Халта"
12.45 "Мироз-ТВ"
13.00 "Телехямор"
13.20 "Мироз-ТВ"
14.20 "Шубеяснингитери"
14.50 "Болер осли"
15.30 "Мироз-ТВ"
16.00 "Ино"
16.30 "Мультфильмы"
16.45 "Телехямор"
17.00 "Дж. фильм"
17.30 "Мироз-ТВ"
18.00 "Керашнингиз"
18.20 "Кашкирлар макони"
18.30 "Судьбы"
19.00 "Телехямор"
19.20 "Ошикона"
20.00 "30-кадр"
20.30 "Мироз-ТВ"
21.00 "Икена Халта"
21.40 "Муслик табасум"
22.10 Худ. фильм "Ошикона"

Якшанба 30

15.00 Теленяня "Красная шапочка" 1-серия
16.20 Узбек наволари
16.30 "Очил дастурхон" (повтор)
17.00 Узбек наволари
17.30 "Юлдузли пайшанба" избранное (Малис Абдулов)
18.00 TOTAL NEWS (узб.)
18.20 Узбек наволари
19.00 TOTAL NEWS (рус.)
19.20 Индийское кино
21.00 Узбек наволари
22.00 Кино "Миссия невыполнима-2"
00.20 Миксер
00.30 "Миссия невыполнима"

Якшанба 30

12.00 TOTAL NEWS (узб.)
12.20 Узбек наволари
13.00 TOTAL NEWS (рус.)
13.20 Узбек наволари
14.00 Мировые хиты
14.30 Узбек наволари
15.00 Теленяня "Красная шапочка" 2-серия
16.20 Узбек наволари
17.00 TOTAL NEWS (узб.)
17.20 Узбек наволари
18.00 TOTAL NEWS (рус.)
18.20 Узбек наволари
19.00 Спецрепортаж
19.20 Индийское кино
20.40 Мировые хиты
21.00 "ТОП-20"
21.45 Узбек наволари
22.00 Кино SMS-голосование: 1. "Крадущийся тигр, затаившийся дракон". 2. "Турецкий гамбит". 3. "Шоколад"
24.00 Узбек наволари

Буни сиз ҳам биласиз, буни сиз ҳам кўргансиз — сигарета чекиш натижасида атмосферанинг ифлосланиши, истеъмождан сўнг кераксиз ҳолга келтирилган сигарета қолдиқлари, бўшаган қутилари, ёндириш хизматини ўтаб бўлган гугурт қутилари ва чўплари, олов олдиргич мосламалари (зажигалкалар) ҳар жойда сочилиб ётган ҳолда атроф-муҳитни ифлослантирмакда. Бу шахримиз озодлиги, аҳоли соғлиги, турмуш тарзига, амалдаги экологик қонунларимизга, ҳуллас бизнинг оддий яшаш ҳуқуқларимизга мутлақо зид ҳаракат эканлигини англаш вақти етмадимикан?

Шуниси қизиқки, қарийб ярим асрдан буён турли номдаги сигарета қутилариға анъанавий ғамхўрликнинг тимсоли сифатида: "Соғлиқни сақлаш вазирлиги чекиш соғлиққа зарарли эканлигини огоҳлантиради", баъзиларида эса "Чекиш сизнинг соғлигингизга бутунлай зарарли, болаларни сигарет тутунидан ҳимоя қилинг" деган ёзувларни ўқисак-да, бунга ҳеч ким эътибор қилмайди. Бу аслида ишлаб чиқарувчилар, чекувчилар ва бўлғувчи чекувчилар авлоди учун чекишга қарши қуруқ даъватдир. Хориждан турли хил яширин йўллар билан келтирилаётган сигареталарда бу даъват борми, йўқми, уни билиб ҳам бўлмайди.

Маълумотларга кўра, дунё аҳолисининг (жами 6,5 млрд.га яқин) таркибий қисми (асосан ўсмирлар, катталар) ҳисобланган 1,1 млрд. кашандалардан йилига тамаки истеъмоли таъсири туфайли 5-6 млн. замондошларимиз ўз ҳаётига зомин бўлмоқда. Бу кўрсаткич, тахминий ҳисоб-китобларга сўянадиغان бўлсак, 2025 йилга бориб 10 млн. кишига етиши мумкин. Бир кунда ўртача ҳар бир кашанда 8-9 донадан истеъмоли қилса, бу 10 млрд.га яқин деганидир. Ўртача бир дона сигарета ҳозирги бозор нарҳида 30 сўм бўлса, жами бир кунлик дунё кашандалари учун тамаки истеъмоли нарҳи тахминан 270-300 млрд сўмни ташкил қилади. Бир кунга 20 донадан сигарета жойласак, у ҳолда 50 млн. қути бўлиб, уни 10 та донадан блок қилиб жойлаштирилса 5 млн. дона сигарета блоки ҳосил бўлади. Йиритқоқ ҳолда яшиқларга 50 тадан жойлаштирилса — 500 минг яшиқ ҳосил бўлиб, Камаз юк автомобилнинг ҳар бирига 1000 яшиқдан юкланса 500 та машинага юк бўлиши мумкин.

Шунча сигарета истеъмолидан сўнг атроф-муҳитга бир йиллик зарар бизга қанчага тушишига ҳам бир эътибор қаратиб кўйлик-а. Фақат сигарета чекилиши натижасида атмосферага 10,5 тонна кадмий, 14,8 тонна кўрғошин, 48,5 тонна мис, 203,5 тонна рух, 966 тонна марганец ва бошқа зарарли моддалар чиқарилади.

2006 йилнинг "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилиниши ҳам бежиз эмас. Чунки эл соғлиғини муҳофаза қилишдан буюк иш борми ўзи бу дунёда?! Ахир умр бир марта берилишини назарда тутадиган бўлсак, инсон ўз ҳаёти давомида ибратли турмуш кечирмоғи, ўзидан кейин фақат соғлом авлод, яхши ном қолдирмоғи даркор.

Ҳатто ҳайвонот оламида ҳам яхши ном қолдириш одати борга ўхшайди. Чунончи, Россия ҳайвонот боғларидан биридаги Ай-Ай лақабли орангутан 16 йилдан буён сигарета чекар экан. Яқинда у тўсатдан чекишни ташлабди! Ўта ғаройиб, қутилмаган ҳодиса. Сабаби у қўшни орангутан билан қовушиб, ундан зурриёт кутаётган экан. Бу ажаб воқеадан нега

биз — одамлар ўрناق олмаймиз? Лекин заминимизда шундай давлат-



КАШАНДАЛИК — УМР ЭГОВИ

Келинг, ўз ҳаётимизга зомин бўлмайлик

лар борки, аҳолисининг ярми сигарета чекади. Бу ҳолатни Украина давлати мисолида кўрамиз. Бу ерда бир йилда 75 млрд. дона сигарета сотиб олинган экан. Сигарета чекишни ҳаёт лаззати деб билувчи одамлар, албатта, янглишади. Ҳар ким чекса фойдаси ҳам, зарари ҳам ўзига. Ҳеч ким ҳеч кимни мажбурлай олмайди. Бу одамнинг ўзига, иродасига боғлиқ. Лекин томошабин бўлиб туриш ҳам яхши эмас.

Эътироф этиш лозим, наркотик моддаларни истеъмоли қилиш кўплаб давлатларда қатъий тақиқланиб, Ер юзиде жиддий кураш олиб борилаётган бир вақтда, Ўзбекистонда тамаки маҳсулотини истеъмоли қилишга қарши кўрилаётган тадбирларни етарли даражада таъсирчан, деб бўлмайди. Бизга бу борада Германияда амалга оширилаётган ибратли ишлар асқотиши мумкин. "Кашандалар" чекилган сигарета қолдиқларини шаҳар кўчалари, бекатлар ва йўлакларга ташласалар, 50 доллар миқдориде жарима тўлашади. Экологик мувозанат тобора кескинлашиб бораётган бир пайтда, мазкур тадбир, албатта, ўзининг ижобий самарасини бермай қолмайди.

Бундай фойдали тадбирларни мамлакатимизда ҳам кўллаш мақсадга моликдир. Ҳатто "Авесто"да юрт ободлиги, шаҳар ва қишлоқлар ҳудудларининг кўркем, озода, тозаллиги ҳамда бир қарич ернинг ифлосланишига қарши махсус меъёрлар амал қилганлигини бир эсга олиб ўтайлик. Масалан, хонадон эгаси кундалик чиқиндиларни кўчада, ўз уйи олдида сақласа, 35 дарра миқдориде жазога тортилган.

Сўнгги йилларда жаҳонда чекувчи

Янги рукн: Менда таклиф бор

эркаклар сони тобора камайиб бораётган бир пайтда, таассуфлар бўлсинки, кашандалик аёллар ва ўсмир қизлар орасида тобора ортиб бормоқда. Илгари Тошкент кўчаларида сигарета тутатиб юрган аёлларни учратмас эдик. Бугунга келиб ёш қизларимиз кўчаларда, айниқса, сайилгоҳларда, хиёбонларда бемалол тамакидан баҳраманд бўлиб юрганига гувоҳ бўла-

дор сифатида шунга одатлантириб, вояга етмаган фарзандларимизга тамаки маҳсулотларини сотиш ва уни истеъмоли қилишликни мутлақо тақиқлаш;

Иккинчидан, тамаки чекишни жамоат жойларида, корхона ва муассаса-ташкилотларга қарашли (мулк шаклидан қатъи назар) биноларда манъ этиб, чекувчилар жамғармаси ташкил

этилиб, улар маблағи ҳисобидан герметик тарздаги "махсус тамаки чекиш" хоналарини яратиш керак. Ўша хонада уларнинг чекишга бўлган эҳтиёжлари ўзгаларга зиён келтирмаган ҳолда, эркин тарзда қондирилиши;

Учинчидан, тамаки маҳсулотини истеъмоли қилинадиغان ҳар қандай хонадан бадбўй ҳидни йўқотишга ҳаракат усули сифатида: винтэляция тизими

жорий қилиш, кўшимча тарзда хонани шамоллатиб туриш, унинг озодлигини сақлаш — "кашандалар"нинг чекиш маданиятини юзага келтиради. Махсус чекиш хоналарига намланган момиқ-патлик материалдан тайёрланган сочиқ илиб қўйилса, тамаки ҳидини ўша сочиқ "ютгич мосламаси" сифатида биров бўлса ҳам ўзига шимиб олади, хона тозаланади. Бу ҳолатни яшаш жойимиз—хонадонларда ҳам жорий қилиш керак;

Тўртинчидан, мамлакат миқёсида бу борада узлуксиз экологик — давлат, экологик-жамоатчилик асосида мақбул бўладиган назорат механизмининг усул ва услубларини жорий этиш;

Бешинчидан, "кашандалар"нинг соғлиғини муҳофаза қилиш мақсадида уларни мажбурий экологик-суғурта қилишни жорий этиш;

Олтинчидан, чекишдан фориғ бўлиш мақсадида ташланган биринчи қадам пайтида мамлакат бўйича дастлаб икки кунни, дейлик жума, яшанба кунларини чекиш мутлақо манъ этилган кунлар деб эълон қилиш мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимизда истиқомат қилаётган ҳар бир инсон бу заминнинг муқаддаслиги, унинг бир қарич ерини ҳам ифлослантиришга, озодлиги, тозаллиги, гўзаллиги раҳна солишга мутлақо ҳаққимиз йўқ, деган тушунчага эга бўлишига эришмоқ лозим. Экологик софлик — чекишга қарши умумхалқ сафарбарлигини ҳар ҳафта, ҳар ойда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.


Карим НОРМАТОВ,
профессор,
Холдор ЭРҒАШЕВ,
доцент

«БУ ИШҚ БЎСТОНИДА ГУЛЛАР ГАҲЕ АЛВОН, ГАҲЕ НАСРИН...»



Илоҳо, мазҳабим — ишқ, қил не қилсанг бу гуноҳорни
Қаландардек юриб дунёни кездим, топмайин ёрни
Яна қулбамга қайгулар, аламлар бирла қайтдим-ку.

Маломат қилмангиз ким деб, агар пинҳон эдим, дўстлар,
Қўйинг Фарҳоду Мажнуларни, чин дoston эдим, дўстлар,
Замон бегонаси, лек нодир дaврон эдим, дўстлар,
Муҳаббат осмонидa гўзал Чўлпон эдим, дўстлар,
Қуёшнинг нурига тоқат қилмай ерга ботдим-ку.



Энди қандай сизгайман
Ўн саккиз минг оламинг
Тангри, бунча тор экан...

ГЎЗАЛДИР БУ ОҚШОМ...

Барибир гўзал-ку бу оқшом:
Осмонда сайёра ой билан,
Заминда ойпараст сой билан
Барибир гўзал-ку бу оқшом.

Йигласа йиглабди бир аёл,
Бошида айланиб минг хаёл,
Мангудир на камол, на завол,
Мангудир, гўзалдир бу оқшом.

Юлдузлар — сир тўла кўзлардир,
Ва ёким хур босган излардир,
Ё кимдир ичккан сўзлардир —
Шу билан гўзалдир бу оқшом.

Атрофда минг савол, минг жавоб,
Ҳам кўзёш, ҳам гуноҳ, ҳам савоб.
Изтироб?
Нимадир изтироб?
Гўзалдир, гўзалдир бу оқшом.

Олмалар тўқилмай туrolмас,
Шамоллар куй айтмай юролмас,
Гарчики ҳамма ёв, дўст эмас,
Барибир гўзалдир бу оқшом.

Бўғизга битта сўз тикилса,
Шу сўздан дунёлар йиқилса,
На қилар ухламай чиқилса,
Гўзал-ку, гўзал-ку бу оқшом...

Нодира АФОҚОВА

Нодира Афоқова — маънавияти юксак ўзанларга туташ Бухоро фарзанди. Унинг умр йўли ҳам туғилган замини мисол маърифат, илм ва шеърятга туташ. Зукко олиманинг ўнлаб илмий асарлари қаторида «Баҳорнинг бошланиши», «Арсат фасли» каби шеърини китоблари ҳам ўқувчилар кўнгил мулкига айланган. Айниқса, «Фитратнинг тушлари», «Жазо» дostonлари кенг жамоатчилик томонидан севиб ўқилмоқда. Шоиранинг дилбар шеърятини унинг кўнгил фасоналаридан, кенг фалсафий тафаккурдан сўзлайди. Унинг шеърят бўстонида гулдаста сараладик. Унинг, гўзал сатрлар кўнглингизга ором бахш этсин.

ЧЎЛПОНЧА МУХАММАС

Сабухий қилмаган махмур каби ҳолим паришондур,
Ва ёким ойкезар янглиг кетарман ҳар тараф, ёху!
Эй ишқ султонлари, айтинг, бу не сехру, бу не жоду:
Муҳаббатнинг саройи кенг экан, йўлни йўқотдим-ку,
Асрлик тош янглиг бу хатарли йўлда қотдим-ку.

Бу йўлдан кетгучи келмас, на «келгай» дур, на «душвор» дур,
Бу йўлдур ёки йўлсизлик — гумоним аммо бисёрдур,
Бу йўлсизлик аро йўлчи эсанг, йўл изламак ордур,
Карашма денгизни кўрдим, на нозлик тўлқини бордур,
Ҳалокат бўлғусин билмай қулочни катта отдим-ку.

Ўшал денгизда гарқ бўлсам — буким оё хато, дўстлар?
Магар гарқ бўлмасам ҳам йўқ омонлик, не бало, дўстлар,
Бу не афонки — сернашъа, бўлибман мубтало, дўстлар,
Ажаб дунё экан бу ишқ дунёси, аё дўстлар,
Бу дунё деб у дунёни баҳосиз пулга сотдим-ку.

Бу ишқ бўстонида гуллар гаҳе алвон, гаҳе насрин,
Саболарга ёлингайман уфурғил деб бўйин-атрин,
Ахир, ёдлаб менинг афғону зоримни асрларким,
Унинг гулзорида булбул ўқиб қон айлади бағрим,
Кўзимдан ёшни жў айлаб, аламлар ичра ботдим-ку.

Бўлуб олам бу олам ул каби кўрганми дилдорни,
Менингдек на мусулмон, на насоро — бир гирифторни,

(Боши ўтган сонда)

Улар мана шу қабристонда жуда кўп пачакилашган бўлса-да, лекин Турсун қора Очил буванинг бефарзандлигини бирор марта юзига солмаган эди. Шунинг учунми, унинг гапидан сўнг Очил бува индамай ўтирмади, ичидаги бир умрлик армон галаён қилиб юзага қалқиб чиқди, у ёнида учи ерга қадалган ўроқни олди-да, ўтирган жойидан шашт билан туриб Турсун қорага ташланди. Турсун қора ёшлигида абжир, чапани йигит эди, у ёши бир жойга бориб қолган бўлса-да, Очил буванинг қўлда ўроқ билан ташланишига чап берди ва чаптастлик билан, зарбаси тегмай ўзини ўнглаб оломай қолган Очил буванинг кетига тепиб юборди. Улар қирликда тургани боис, Очил бува юз тубан бўлиб йиқилиб кетди, лекин бундан жуда қаттиқ аламзада бўлгани учун шу заҳоти ўрнидан туриб, ўзидан тепароқдаги Турсун қорага бошқатдан ҳамла қилди, бу пайтда унинг эғнидаги малла камзулидан қон сизиб оқарди, у ерга йиқилганида, қўлида маҳкам тутилган ўроқ унинг остида қолиб, чап елкасига қадалган эди. Лекин бу сафар Турсун қора чап беролмай қолди, зарб билан урилган ўроқ унинг болдини қаттиқ яралади. Кўзи қонга тўлган Очил бува бу билан қаноатланмади, унинг сонига, белига икки марта ўроқ санчди. Шундан сўнг Турсун қора ҳам жим турмади, қўлидаги ўроқини Очил буванинг дуч келган жойига санчаверди. Кетма-кет тушган ўроқ зарбидан қонга



бўялган Очил бува ўтириб қолди. Сўнг юзининг тилинган жойларидан оқиб, оғзига кириб бораётган қонни туфлаб-туфлаб, ўзини ёнбошга ташлади. Бу пайтда Турсун қора қабрларни оралаб дарвоза томон кетиб борарди, баданидан оқаётган қон оёғидаги кирза этигидан ҳам тошиб йўл-йўлакай қабристонга томиб борарди. У қабристон дарвозасига етганда йиқилди, кўзлари тиниб, ёруғ

олам қоронгулашди, бир-икки марта бошини кўтариб, туришга ҳаракат қилди, лекин туролмади. Орадан 20 дақиқалар ўтиб, пода ётоқдан таппи олиб келишга кетаётган Гиёс шайтоннинг унга кўзи тушди, у дарҳол қабристон дарвозасини очиб ичкари кирди ва қонга бөланган Турсун қорани эшагига ортиб қишлоққа олиб келди. Турсун қора шу заҳоти Суюн пухтанинг машинасида касалхонага олиб

кетилди. Воқеадан хабар топган қариндошлари, болалари ҳам орқасидан касалхонага югуришди. Қабристон ўртасида қолган Очил буванинг эса кўзлари аллақачон абадий уйқуга кетганди. Ҳар замонда қабристон ёнидан ўтаётганлар уни ўлиб ётибди деб сира ўйламасди, у шу ётганича Турсун қоранинг қонга бўялгани ҳақидаги хабар Узунсойга тарқалиб, одамлар бу ёққа етиб келгунча ётди.

У уйига олиб келинди, уни кўриб кампири Ирисой момо дод солиб йиғлади, устига ўзини ташлаб, айтиб-айтиб йиғлади, унинг фарёди бутун Узунсойнида тутиб, ундан нарига ҳам ўтиб кетди. Шу кун Очил бува ерга қўйилди, ўзи ўтини ўрган, қолаверса, қони тўқилиб, жони узилган мана шу қабристонда унинг ҳам қабри пайдо бўлди. Кунлар ўтиб бораверди. Ирисой момо эрининг қирқи ўтгач, Сарсонда яшайдиган укасининг 13 яшарлик ўғлини уйига олиб келиб яшай бошлади. Секин-секин Очил буванинг ўлганига кўникиб ҳам кетди. Лекин кўнглидаги бир армони иккитага айланди: бири бу дунёдан фарзандсиз ўтаётгани бўлса, иккинчиси яхшим-ёмонми, кўз очиб кўргани Очил буванинг уйда ўзининг ёнида эмас, арзимас нарса учун қабрлар орасида жон таслим қилгани эди.

Турсун қора бир ойдан ошиқроқ, туман марказий касалхонасида ётиб, уйига қайтди. Лекин, олдинги гавдасининг ярми ҳам қолмагани, у кўп қон йўқотганидан судралибгина юрар, бўлиб ўтган воқеалар гўё тушида кечгандек бўлиб туюларди. Дарвоқе, Очил бува ўрган ўтлар шамолда тўзгиганча қабристонда қолиб кетганди...

Раимқул СУЯРОВ

НОН ТАРИХИГА БИР НАЗАР



Олимлар ноннинг ёшани ўн беш минг йилга тенг, дейишади. Бундан 150 аср муқаддам тайёрланган нон ҳозиргисига мутлақо ўхшамаган, албатта. У вақтларда бошоғи билан қовурилган дон, тош орасига олиб янчиб қайнатилган ёрма нон ўрнига ўтган. Бундан беш минг йил илгари Миср фиръавнларидан бирининг мақбараси деворларига нон тайёрлаш учун дон йиғиш, ун қилиш ва хамир қоришдан ёпишгача бўлган жараёнлар сурати чизилган экан.

Швейцариянинг Цюрих шаҳридаги музейда суви қуриб кетган бир кўлнинг остидан топилган бўлка сақланади. Бу энг қадимги нондир. Олимларнинг ҳисоблаб чиқишларича, ана шу бўлка бундан олти минг йил илгари пиширилган! Нью-Йорк музейларидан бирида эса юмалоқ — ясси лаваш сақланмоқда. Тарихий нонлар ичида бу «энг ёш» ҳисобланиб, тайёрланганига атиги 3400 йил бўлган.

Бундан 5-6 минг йил аввал қадимги Мисрда нон пиширишнинг янги даври бошланди. Уша давр новвойлари хамирни кўпчилик йўли билан ичини говак-говак қилиб нон пишириш мумкинлигини билиб олдилар. Шу мақсадда улар хамиртурушни кашф этишди. Замонавий нон ёпиш ҳалигача шунга асосланади.

Табиат шифохонаси

Кундалик дастурхонимиздан бодринг аримайди. Нафақат ёзда, қишнинг қирчиллама совуғида ҳам бу неъматга эҳтиёж сезамиз. Бодринг тузламаларга қаноат қилмай, бироз қиммат бўлса ҳам бу сархил неъмат янги узилгани учун пулни аяб ўтирмаймиз.

Хўш, бунчалик севиб истеъмол қилинадиган бодрингнинг фойдаси нимада экан? У фақат иштаҳа очадими ёки бошқа шифобахш хусусиятлари ҳам борми?

БОДРИНГ АСАБНИ ТИНЧЛАНТИРАДИ

Асли ватани Ҳиндистон бўлган бодринг таркибининг қарийб 95 фоизи сувдан иборат бўлиб, ана шу сув инсон саломатлиги учун ниҳоятда фойдали ҳисобланади. Мутахасссларнинг эътирофи этишларича, ичимлик сувидан қон томирларида чўкмалар ҳосил бўларкан. Бодринг ана шу салбий оқибатларни бартараф этиб, уни ювиб юборади. Айни вақтда бодринг бўғин ва бод касаллигини даволашда энг ишончли дори бўлиши билан бирга, пешоб ҳайдовчи восита ҳамдир.

очади, ёғлар ва оқсиллар сўрилишига наф беради. Шу билан биргаликда у тиббиётда сурги дори сифатида ишлатилади. Қабзиятда бу неъматнинг фойдаси катта. Халқ табиотида бодринг шираси асабни тинчлантирувчи, ошқозон-ичак хуружида оғриқни босувчи восита сифатида қўлланилган. Шунингдек, унинг шираси асал билан аралаштириб истеъмол қилинганда нафас йўллари ва йўталга шифобахш таъсир кўрсатади. Куйганга даво ҳисобланади. Энг муҳими, бодринг косметикада кенг қўлланилади. У аёлларнинг юзларини тиниқ ва хушрўй қилишда бебаҳо воситадир. Бодрингнинг нафақат ўзи, балки гули ҳам шифобахш таъсирга эга. Гулининг қайнатмаси безгақда ишончли дори ҳисобланади.

Унинг таркибидаги пектинлар ошқозон-ичак фаолиятини яхшилайдиган ва холестеринни танадан ҳайдайди. Бундан ташқари, у касалликларнинг олдини олади. Шунингдек, тери, соч, тишнинг соғлом бўлишига ёрдам бериб, қалқонсимон без касалликларига чидамликни оширади.

Пишгани ҳам жигар хасталикларига, айниқса сариқ касаллигига жуда фойдалидир.

Бодрингнинг таом ҳазм қилишда, айниқса, оқсилли овқатларни парчалашда фойдаси беқиёс.

Бодринг таркибидаги карбон сувлари, оқсил, темир, фосфор, каротин, В, С витаминлари, йод моддаси, айниқса, унинг шифобахшлигида асосий омил ҳисобланади.

Шу боис бодринг аксарият ҳолларда барча гўшти таомлар билан бирга дастурхонга тортилади. Бодринг иштаҳани

Ф.ИГАМБЕРДИЕВА

СКАНВОРД

Тузувчи Ф.ОРИПОВ

				Қади мий қурол										
	Қасб урғаниш	Зеңит тупи		Маълум	Қаҳрамонлик	Ҳақиқат	О	Кино лента ёзуви						
				Етук	Тақинчоқ	Кавказ курорт	С	Авто қисм						
	Ижодий гуруҳ	Тўп-отар қурол	Кўриқчи				Т							
					Кимнинг агар бўлса баланд ҳиммати, Эски кийим бирла-да зўр иззати. Амир Хусрав Деҳлавий				Куч ул-чови	Иссиқ ҳаво	АҚШ штати			
	Давлат (Осиё)													
	Пойтахт (Европа)												Араб ҳарфи	
Ҳарбий унвон				Рус адабиёти										
Ҳинд дари	Тана аъзосу	Беғараз							Овора					
Санъат					Навбат	Шоҳлик унвони		Авто марка	Ҳитойича ушин					
				Саъдий асар										
				Биргина	Космик кема	Спорт анжуми								
Самолёт		Волида		Авто чироқ				Аввал таом, баъдаз...	Пойтахт (Европа)					
Яхши адаби	Ғуза ғунчаси								Авто-билчи					
	Уяли алоқа компанияси	Севги				Мушк Самолёт	Али дин Сино	Чорва ёзиқаси						
				Европа давлати	Ёзув қатори		Юнон ҳарфи	А	Б	Ҷ				
	Муҳал йили	Чиroy	Ёрдам маълағи				Юнон ҳарфи							
					Саломатлик фани			Аёл исми	Сурак олмоши					
		Шамол				Кемирувчи жонвор								
		...тин				Хурмағли зот	Деҳқон қурол	Миллат	Соат қисми					
Расмий нома				Тантана	Воқеа вақти									

Газетамизнинг 15 июл сонида берилган сканворднинг жавоблари:

Энига: Фидокорлик. Тиллақори. Ушу. Рух. Аҳд. Асорат. Уд. Дилором. «Наво». Лара. Ёғ. Сафро. Доир. Алп. Адана. Ойнабанд. Ёш. Ота. Осуда. Иш. Ҳаво. Давидова. Мактаб. Ва. Ар-тист. Эн. Фаол. На. Фа. Олқиш. Акобир. Бир.

Хин. Кран. Ар. Махмуа.

Бўйига: Сухандон. Дилдор. Коала. Ор. Рок. Мири. Сафдош. Хуш. Урду. Футзал. «Фиат». «Анор». Котиб. Ода. «Аёл». От. Диод. Ваза. Дан-ғара. Осон. Ширинак. Ёки. Олим. Ихлос. Та-қир. Арафа. Пайров. Диван. Какаду. Фин. Ал-бан.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ҚОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«TULPOR» савдо уйи масъулияти чекланган жамияти



★ Россия Федерациясининг барча турдаги "УАЗ" автомобилларини нақд пулга ҳамда пул ўтказиш йўли билан, шунингдек, кредит асосида сотишини маълум қилади.

★ Автомобилларга буюртмалар ҳам қабул қилинади.

★ Автомобилларга божхона солиғи тўланган.

★ Уларнинг сифати тўла кафолатланади.



Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 117-46-10; 76-33-51 Факс: (8-3712) 76-77-20.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Бир ош қошиқ суюқлик — 15 граммни ташкил этади. Бир десерт қошиқ суюқлик — 10 грамм, бир чой қошиқ суюқлик — 5 грамм қилиб белгиланган.

Тиббиётда ишлатиладиган ўлчовлар бўйича бир қиррадор стакан суюқлик — 20 мл; бир мл сув — 20 томчини ташкил қилади.

Орқага ҳаракатланиш бўйича энг катта тезлик 1983 йилда америкалик Жон Смит томонидан амалга оширилди. У бошқарган автоулов 58,42 километр соат тезликда 806,2 километр масофани босиб ўтди. Бунинг учун 13 соату 48 дақиқа вақт сарфланди.

Буюк Британиялик Ник Сандерс мотоцикл ёрдамида дунё бўйлаб саёҳат қилди. Ушбу сафар 31 куну 20 соат давом этди.

Шу муддат давомида мотоциклчи 32 минг 74 километрни ортда қолдирди.

А. АЛИЕВ тайёрлади

Ўзбекистон Агроекономика мажмуи ходимлари касабаси Марказий кенгаши ва тармоқ касабаси уюшмаси Қашқадарё вилояти кенгаши Қарши шаҳар касабаси уюшмаси ташкилотлари раислари кенгашининг раиси Тўйчи Жумановга синглиси

Майрам ЖУМАНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Кулги — кўй гўшти ўрнини босади» дейишади Туркияда. Сўнги йилларда турк шифокорлари тиббётнинг янги тармоғи бўлмиш «геоитология» (кулги билан даволаш) соҳасига катта аҳамият беришмоқда. Маълумки, геоитология кулгининг инсон организмга таъсирини ўрганади. Аслида беморларни кулги билан даволашнинг асосчиси кимлигини биласизми? У хорижлик журналист Норман Казинсдир. У ўтган асрнинг 70-йилларида ўз устида «хавфли» тажриба ўтказди. Яъни бир неча ой фақат комедияларни томоша қилди. Унинг айтишича, кулги сеанслари натижасида суюғидаги оғир хасталикдан қутилган! Кулгининг саломатлик учун муҳим эканини чуқур тушунган бу журналист кулги билан даволаш кафедрасини ташкил этди. Бугунги кунда хорижда 600 дан ортиқ кулги терапевтлари иш юритади. Олимларнинг аниқлашларича, кулги дардини енгишда, теридаги аллергик хасталикларни даволашда ёрдам беради, бўйин ва елка мушакларини бўшатиради, бош мия ҳамда юрак ишини яхшилайди. Демак, кулги ҳамisha ҳамроҳимиз бўлса, доим соғ-саломат яшар эканмиз!

ўпкада ҳаво алмашинуви яхшиланади!» Шундай экан, бизга кулги бахш этиб, соғлиғимизнинг янада мустақамланишида қизиқчиларимизнинг ҳиссаси катта экан. Таниқли кулги устаси, «Мирзо» театрининг раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мирзо Холмедов бу ҳақда ўз мулоҳазаларини билдиради:

— Кулгининг фойдаси халқимизга қадимдан маълум. Ота-боболаримиз тўйларда, турли хил маросимларда, истироҳат боғларию чойхоналарда аския қилиб бутун давра аҳлини кулдирганлар. Машхур қизиқчи ва аскиячиларимизни номма-ном биламиз, уларни ўзимизга устоз санаймиз. Юсуфжон қизиқ Шакаржоновнинг «Кулинг, дўстлар, умрингиз узоқ бўлади» де-

Саломатлик омиллари

катига тушиб қолади.

— **Чарли танийнинг бола-яхши диди. кулолишти ҳамшила-римизнинг қалби-**

Чарли Чарпинни дунёди. Никулин-номини ёшлар ҳам эслаша-демак, дира саньяки-



ЖУРНАЛИСТНИНГ «ХАВФЛИ» ТАЖРИБАСИ

ёхуд кулаи устаси Мирзо Холмедов мулоҳазалари

Сиз қачон куласиз? Тасаввур қилинг, қизиқчилар даврасида ўтирибсиз. Улардан бири янги ҳангомани айтиб берапти. «... Поезд жойидан қўзғалгач тўрт киши ҳаллослаганча унинг ортидан югуришди. Омади бор эканми учови бир амаллаб поездга осилиб чиқиб олишди, тўртинчиси бўшлаганича туриб қолди. Сўнг ўз-ўзидан қорнини ушлаб кула бошлади. Ёнидан ўтиб кетаётган киши ҳайрон бўлганича сўради:

- Мен кўрдим, уч ўртоғингиз поездга чиқиб кетишди, сиз эса қолиб кетдингиз-а?
- Худди шундай.
- Қизиқ... У ҳолда нега тинмай кулаясиз?
- Улар мени кузатишга чиқиб кетди-да!»

Ҳангомани эшитиб дарров юзингизга табассум ёйилади. Бу ҳолатни шифокор олимлар шундай изоҳлашади: «Кишининг кайфияти кўтарилиб, димоғи чоғ бўлганида, мия қобиғидаги импульслар тезлашади, янги ахборотларни қабул қилиш кучаяди, меҳнат қобилияти ошади, кулги таъсирида

ган гапи халқ ичида ҳикматга айланиб кетган. Ҳаттоки қадимда Арасту ҳам «Ҳазил — ҳордиқ бўлгани учун асабларни мулоиймлаштиради» деган экан. Бу рост. Одам кулганида янада яйрайди, худди ёшариб кетгандек кўринади.

— **«Мирзо» театри кулгисеварлар учун ажойиб томошаларни кўрсатмоқда. Бу театр қачон ташкил қилинди ва қандай режаларга кўра иш юритади?**

— Бу йил театримизнинг мучал ёшини нишонладик. Шогирдларим — Шукрулло Исроилов ва Валижон Шамсиевлар билан ўзаро ҳамкорликда ишляпмиз. Режамиз аниқ — кишиларимиз феълидаги камчилик ва нуқсонларни энгил ҳазил йўли билан ўзларига эслатиб қўйиш. Албатта, бу кўпчиликка маъқул келавермайди. Сабаби, гап эгасини топади-да. Қолаверса, халқ орасида «тўғри сўзнинг тўқмоғи бор» деган ибора юради. Лекин барибир биз мақсадга эришамиз, чунки айтилган ҳар бир гап ўз эгасини нишонга олади, хушёр торттиради, қарабсизки, феълидаги иллатдан қутилиш ҳара-

ни забт эта оларкан. Бунинг учун жуда катта тараддуд ҳам кўриш керак бўлади, шундай эмасми?

— Албатта. Эндиликда одамлар анчагина нозиктаб, кулгини чуқур тушунишади. «Коса тагида нимкоса»ни англаб етишади. Шундай бир пайтда тайёргарлик кўрмасдан саҳнага чиқиб бўларканми?! Биз қаттиқ меҳнат қиламиз, халқ орасидан латифа ва ҳангомаларни йиғамиз, кўпчилигини ўзимиз ижод қиламиз. Охирида ҳаммасини қайта-қайта элакдан ўтказамиз. Шундай қилайликки, бутун зал аҳли яйраб, мириқиб кулсин! Шундагина биз тўла мақсадга эришган бўламиз. Ахир айтишадик-ку, «Бир марта яйраб кулсанг, ўнта тухум ютгандек бўласан» деб. Қолаверса, «Ўн дақиқалик кулги ўн беш дақиқалик гимнастика ўрнини босади» деган гап ҳам тўғри.

— **Мухлисларингиз телефон кўнгирикларини орқали ёки хат йўллайвериб сизни безор қилиб юбормайдими?**

— Уларнинг ижодимга эътиборини жуда қадрлайман. Ҳамма мухлисларим учун қалбим эшиги доимо очик...

— Сиз вилоятларда бўласиз, гастролларга чиқасиз. Бундан ташқари, ёш санъаткорларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг ижодий концертларига имкон қадар кўмаклашасиз. Бугунги ёшлар ижодига қандай баҳо берасиз?

— Ҳар бири ўз йўналишини топиб илгарилаяпти. Мустақиллик имкониятлари уларнинг дунёга чиқишига йўл очиб берганидан хурсанд бўлишимиз керак. Қишлоқ ва шаҳарларимизда истеъодлар, изимиздан юриб келаётган қизиқчи ёшлар кўп. Ҳаммасига омад тилайман, интилишлари ўз самарасини беради деб ишонаман.

— **Оилангиз ҳақида икки оғиз сўз...**

— Аллоҳ менга жуда хушфеъл ва пазанда умр йўлдошини насиб этди. Иккимиз ақилликда яшаб, уч ўғил, бир қизни улғайтираёпмиз. Фарзандларимиз мактаб ва лицейларда ўқишади. Онажонимиз Ойниса ая табаррук ёшдалар, ҳаммамиз уларнинг дуоларини олиб яшаяпмиз.

— **Кулги даргаларининг айтишларича, ёруғ табассум инсон танасидаги гам-ташвишларни қувиб, унга ором бағишларкан. Демак, кулгитерапия бор нарса, шундайми?**

— Ҳа, нафақат кулги усталари, балки улуғ алломалар ҳам кулгининг турмушимиздаги аҳамиятини кўп бора таъкидлаган. Абдурахмон Жомийнинг машхур сатрларини эслайлик:

*Сиқилган кишига кулгу бахш этмоқ,
Бир ботмон қанддан ҳам билгил яхшироқ.
Шакардан топади маза оғиз, тил —
Кулгудан топади лаззат руху дил!*

Антон Чехов «Одам ҳазилни тушунмаса, демак унинг умри зое кетган» дейди. Гёте эса «Одамларнинг ҳақиқий феъл-атвори кулганларида намоён бўлади» деган экан. Таниқли қизиқчимиз Мирзо Холмедов айтганидек, кулги юракни яйратади, танага соғлиқ-саломатлик ато этади.

Яна бир ҳангомани эшитинг. Ошхонада бир хўранда хуноб бўлиб, официант қизга бақира кетди:

— Бу қанақаси? Дарҳол хузуримга ошхона бошлиғини чақиринг. Мен... Мен бу овқатни умуман ея олмаيمان!!!

— Қизиқ экансиз. Сизнингча, бу овқатни ошхонамиз бошлиғи ея оладими? Мана шунақа! Ҳажв қилинган ҳар бир ҳодиса борки, у бизни кулдирибгина қолмай, балки сергак ҳам торттиради. Демак, қизиқчию ҳажвчиларимиз бор экан, кулги ҳамроҳимиз бўлаверади.

Гулчехра ЖАМИЛОВА

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

24 июлдан 30 июлгача

КҮЙ. Ушбу ҳафта сиз учун ташвишли келади. Айниқса, ишдагилар билан муносабатда эҳтиёт бўлинг. Кўнгилсизликларни бартараф қилиш учун бошқаларга нисбатан ҳаракатларингизни ўзгартиринг.

БУЗОҚ. Ҳафта бошида барча ишларингиз бир маромда кетади. Ҳамкорларингиздан бири фойдали иш таклиф қилади. Рақибларингиз йўлингизга тўғаноқ бўлишга уринса ҳам, сабрли

бўлинг. Уларнинг бу қилмиши самарасиздир.

ЭГИЗАКЛАР. Ҳаёт мактабида тажрибангиз ошган. Атрофдагилар мушкул аҳволга тушиб қолса, ёрдмингизни аяманг. Ҳафтанинг иккинчи ярмида ишларингиз бароридан келиб, олға силжий бошлайди.

ҚИСКИЧБАҚА. Янги ҳафтада омад кулиб боқади. Қарздорлар қарзини беради. Бўшашманг. Вазиятдан унумли фойдаланиб қолинг. Анча-

дан бери кутган меҳнатингиз ўз самарасини кўрсатади.

АРСЛОН. Ҳафтанинг биринчи ярмида шартнома ва учрашувларни режалаштиришигиз мумкин. Оқибатда ҳамкорларингиз кўпади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида можаролардан узоқроқ юринг. Акс ҳолда унинг аланга олишига сабабчи бўлиб қоласиз.

ПАРИЗОД. Ушбу ҳафта барча муаммоларингизни бартараф қилиш учун имконият берилади. Бу сиз учун айни муддао. Молиявий масалаларга аралашманг. Ҳеч бир ҳужжатни ўйламасдан тасдиқламанг.

ТАРОЗИ. Ҳафта давомида барча ишингизни қайта кўриб чиқинг. Тузилган шартномаларни янгиланг. Чун-

ки боши берк кўчага кириб қолгансиз. Буни ўзингиз ҳам сезгансиз. Яқинларингиз маслаҳатига қулоқ солинг.

ЧАЁН. Янги ҳафтада иш кунингиз тортишувлар билан бошланади. Бунинг учун сиздан жиддийлик ва ишчанлик талаб қилинади. Ақлий меҳнат билан фаолият юритадиганлар фойдали лойиҳа ва шартномалар тузишлари мумкин.

ЎҚОТАР. Анча ҳорғин аҳволдасиз. Соғлиғингизга ҳам эътибор беринг. Дам олиш кунини уйдаги камчиликларни тўлдириг. Режалаштирилган тадбирларни ўтказинг. Натижада моддий рағбат оласиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Кутилмаганда чиқим қиласиз. Ташвишга тушманг, сиз бун-

дан зарар кўрмайсиз. Оила аъзоларингиздан бирининг ташвиши сизни ўйлантиради. Имкон қадар унга ёрдам беринг. Ҳафта охирида иқтисодий муаммоларга дуч келишингиз қутилмоқда.

ҚОВҒА. Ушбу бурж остида туғилганлар ҳафта давомида соғлиқларига эътибор қаратишлари лозим. Уй юмушларингизни ҳам унутманг. Ҳафта охирида режа ва таклифларингизни катталарга намоён қилинг. Улар буни маъқуллашлари мумкин.

БАЛИҚ. Шу кунларда яқин биродарларингиз билан муносабатингиз изига тушади. Оилавий алоқаларни ҳам йўлга қўйинг. Ҳамкорликдаги ишингиздан анча наф кўрасиз. Даромадингизни тўғри сарфланг. Ҳар хил номақбул хаёллардан тийилинг.

Ishonch
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ

Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерда терилди ва сақланилди. Офсет усулида босяди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босята табак.
Сотула эркин нархда.

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

Бизга кўнгирик қилинг:

Котибият
153-52-78;
Хатлар бўлими
153-85-43

Бизнинг манзил:
700165, Тошкент шаҳри,
«Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи котиб - Ш.Абдуллоев
Навбатчи муҳаррир - З.Рихсиев
Мусаҳҳих - Д.Қамолов
Навбатчи - Т.Шернаев

Саҳифаловчи-дизайнер:
З.Бакиров ва Ю.Михайловский

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 21.00

Тиражи: 7540
Буюртма 1 - 916